







**Изоҳ:**

1. Олий таълим муассасаси ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.
2. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари кўшимча фанлар блокининг соатлари ҳисобига, ҳарбий йигин эса таътил вақти ҳисобига ўтказилади. Ҳарбий тайёргарлик машғулотлари ўтказилмайдиган ҳолларда меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мосланувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш учун ОТМ кенгашининг қарори билан фойдаланилади.
3. Ўқув режа асосида олий таълим муассасаси ҳар йили ишчи ўқув режасини тузади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юклагасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоklar таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш ҳамда аудитория юклагасинининг умумий ҳажмини сақлаган ҳолда, айрим семестрларда ҳафталик юклагамалар ҳажмини эркин белгилаш ҳуқуқи берилади.
4. Талаба билимини баҳолаш замонавий, шаффоф ва адолатли усуллардан фойдаланилган ҳолда ўқув жараёни давомида амалга оширилади.
5. Битирув малакавий ишини бажариш муддатлари таркибига уни химоя қилиш ҳам киритилади.
6. Хорижий тил фанининг охириги семестрларида битирувчи курс учун кўшимча фанлар блоки ва танлов фанлари соатлари ҳисобидан ҳар ҳафтада 2 соатдан "Амалий инглиз тили" фани ўқитилади.
7. \*Жисмоний тарбия ва спорт фани таркибида "Валеология асослари" курсидан 8 соат ҳажмда маъруза, 10 соат ҳажмда амалий машғулот ўқитилиши кўзда тутилади.
8. Ўқув режага киритилмайдиган ихтисосликка онд фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилотларда ўтказилади.
9. Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари таълим муассасалари, базавий ташкилотларда ўтказилади.

Ўқув жараёнининг таркибий қисмлари	Ҳафталар сони	Семестр	Давлат аттестацияси
Назарий ва амалий таълим	123	1 - 7	1. Битирув малакавий ишини химоя қилиш ёки ихтисослик фанларидан Давлат аттестацияси
Малакавий амалиёт	24	4,6,8	
Аттестациялар	17+2 (ДА)	1 - 8	
Битирув малакавий иши	6	8	
Таътил	32	1 - 8	
<b>Жами</b>	<b>204</b>		

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи

 С.Ниязбеков

Маънавий- ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи

 О.Базаров

ОЎМКХТРМ директори

 Б.Рахимов

ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори

 Д.Эргашев

Кадрлар буюртмачиси:

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги  
Республика таълим маркази проректори



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқулланган  
2018 йил "18" 08 дақи 4 -сонли баённома

